

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.
29.08.2017.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРБОЕВА УМИДА ТОШТЕМИРОВА

**ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ШЎРЛАНИШГА МОСЛАШИШ ВА
ЧИДАМЛИЛИГИНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Норбоева Умида Тоштемировна

Вўза навларининг шўрланишга мослашиш ва чидамлилигининг физиологик асослари.....5

Норбоева Умида Тоштемировна

Физиологические основы адаптации и устойчивости сортов хлопчатника к засолению.....29

Норбоева Умида Тоштемировна

Physiological bases of adaptation and resistance to salinity of cotton varieties.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.
29.08.2017.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРБОЕВА УМИДА ТОШТЕМИРОВА

**ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ШЎРЛАНИШГА МОСЛАШИШ ВА
ЧИДАМЛИЛИГИНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Биология фанлари бўйича фан доктори (Dsc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.DSc/B78 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) манзилига ва ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хўжаев Жўрақул Хўжаевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳмонқулов Саид - Акбар
биология фанлари доктори, академик

Давранов Қодиржон Сотволдиевич
биология фанлари доктори, профессор

Қурбанбаев Илхам Жуманазарович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти Қибрай тумани Юқори-Юз а/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30; e-mail: igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти Қибрай тумани Юқори-Юз а/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

С.К. Бабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор

М.Ф. Абзалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори Dsc диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда экин майдонларининг тахминан 20 фоизи ва суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпи шўрланиш таъсирига дуч келган ва айни пайтда суғориладиган ерларнинг қарийб 800 миллион гектари шўрланган майдонлар ҳисобланади. Ўсимликшуносликда маҳсулдорлик пасайишининг асосий сабабларидан бири - турли абиотик стрессорлар таъсири бўлиб, бундай омиллар ичида асосий ўринни тупроқ шўрланиши эгаллайди. Шўрланиш дунёда ўсимликлар ҳосилдорлигини камайтирадиган энг кучли экологик стресслардан бири бўлиб, бу йўналишдаги амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда ўсимликларнинг шўрга чидамлилиқ механизмларини ўрганиш ва уни очиш долзарб назарий-илмий муаммолардан бири бўлиб, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш орқали ўсимликларнинг шўрга чидамлилигини оширишда селекция, трансгенез ва физиологик фаол моддаларни ишлатиш усулларини яратиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кенг тадбиқ қилишга катта эътибор берилмоқда. Бу каби ишларнинг ўтказилишига зарурият шу билан изоҳланадики, шўрланиш шароитида ўсимликларда пайдо бўладиган стрессни бартараф этиш учун турли хил физиологик ва биокимёвий механизмларни фаоллаштиришини тақозо этади.

Республикамиз суғориладиган ерларининг агромелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ шўрланишини олдини олишда қўлланиладиган агротехник тадбирларни такомиллаштириш, шўрланган тупроқ шароитига мослашган қишлоқ хўжалиги экинлари навларини яратиш ва амалиётга жорий этиш, шўрланган тупроқ ва иқлим шароитларида ғўза навларининг чидамлилиқ ва ҳосилдорлик даражасини ифодаловчи физиологик ва биокимёвий хусусиятларини ҳамда навларнинг ўзига хос мослашиш жавоб реакцияларини илмий асослашда муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...илмий ютуқларни амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, ғўзанинг тупроқ шўрланишига мослашиш ва унга чидамлилигини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг чидамлилиқ даражасини аниқлашнинг тезкор усулларини илмий асослаш орқали шўрга чидамлилиқни оширишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, “2018-2019 йилларда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги Президентнинг ПҚ -3405 2017 йил 27 ноябрдаги қарори ва “2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги №1037 сонли қароридаги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Дунёда ўсимликларнинг ноқулай омилларга чидамлик механизмларини ўрганиш, стресс омилларга, шу жумладан тупроқ шўрланишига чидамли ғўза навларини яратиш бўйича илмий изланишлар нуфузли илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Department of Agriculture (USDA), State University of New Mexico (АҚШ), Cotton Scientific-Research Institute (Хитой), Institute of Plant Genetics and Agronomy (Покистон), Agricultural University (Ҳиндистон), Scientific-Research Institute of Australia Cotton Growing (Австралия), Ўсимликлар физиологияси институти (Россия) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ўсимликларга стресс омилларининг таъсирига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: шўрланиш таъсирида ўсимликлардаги анотомик ва морфологик белгиларнинг шаклланиши аниқланган (State University of New Mexico, АҚШ), шўрланишга чидамлик белгиларининг ирсийланиш қонуниятлари ишлаб чиқилган (Institute of Plant Genetics and Agronomy, Покистон), ўсимликларда турли ноқулай омиллар таъсиридаги физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар ҳамда мослашиш жараёнлари илмий асосланган (Cotton Scientific-Research Institute, Хитой), тупроқ шўрланишининг ўсимликлардаги турли физиологик жараёнларга (сув алмашинуви, фотосинтез ва нафас олиш, минерал озикланиш ва ҳоказолар) таъсири аниқланган (Agricultural University, Ҳиндистон), ўсимликларнинг тупроқ шўрланишига мослашуви ва чидамлилигини оширишда муҳит омилларининг таъсири аниқланган (Ўсимликлар физиологияси институти, Россия).

Дунёда ўсимликларнинг стресс омилларга чидамлилигини ошириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли серҳосил

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.arc.sci.eg>, <http://www.ipaperu.org>, <http://www.njau.edu.cn>, www.ars.usda.gov, <http://www.bio.davidson.edu/people/kab/sem/2002/stress/Salinity>, <http://www.fao.org/ag/agl/agll/spush>. ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ғўза навларини яратиш; турли даражада тупроқ шўрланиши ва сув танқислиги мавжуд минтақаларда қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан ғўза етиштириш бўйича оптимал агротехнологияларни ишлаб чиқиш; селекция ҳамда хужайра ва ген муҳандислиги усуллари асосида шўрланиш ва қурғоқчиликка чидамли генотипларни яратиш; уруғларга экишдан олдин ва ўсимликларга биологик фаол моддалар билан ишлов бериб, уларнинг стресс омилларга чидамлилигини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ўсимликларнинг шўр тупроқларда ўсиши, шўрга чидамлилиқнинг биологик, физиологик ва биокимёвий асослари хорижлик олимлар L. Zhang G.W. Zhang, R. Munns, M. Tester, Z.Dajic, S.Ahmad, N.Khan, M.Z. Iqbal ва бошқалар томонидан ўрганилган бўлса, МДХ мамлакатларида тупроқ шўрланиши шароитида ўсимликлардаги физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг (сув алмашинуви, фотосинтез ва нафас олиш, минерал озикланиш, ўсиш ва ривожланишни жадаллиги, ферментлар фаоллиги ва ҳок.) ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни Вл.В.Кузнецов, Н.И.Шевякова, О.А.Розенцвет, В.Н. Нестеров, М. В. Ефимова, В. П. Холодова, Ф.М. Шакирова, А.А.Жученко, Ю.В. Колупаев ва бошқа олимларнинг илмий ишларида кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотларда турли ғўза навларининг шўрланиш таъсирида ўсиши, ривожланиши, сув минерал озикланиш хусусиятлари, турли агротехник тадбирларнинг самараси (Р.А.Азимов, Н. Пулатов, Т.С. Закиров, А.Э.Авлиёқулов), ғўза навлари ва дурагайларида шўрга чидамлилиқнинг айрим генетик кўрсаткичлари (Н.Г.Губанова), шўрланган шароитларда ғўзанинг биокимёвий хусусиятлари, маҳсулдорлигига айрим стимуляторларнинг таъсири ва антиоксидант ферментлар фаоллиги (А.А.Ахунов) илмий асосланган. Турли ғўза навларининг тупроқ шўрланишига чидамлилигини аниқлаш, шўрга мослашишнинг биокимёвий ва физиологик асосларини ўрганиш ҳамда чидамлилиқни аниқлашнинг тезкор ва чидамлилиқни ошириш усуллари ишлаб чиқиш маълум даражада назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №3110 «Ўзанинг қурғоқчилик ва шўрга чидамлилиги ҳамда ҳосилдорлигига электротехнология таъсирининг физиологик механизмларини ўрганиш» ҳамда №22 «Ўза навларининг қурғоқчилик ва шўрланишга чидамлилигининг физиологик асослари» (2010-2018) илмий ишлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўза навларининг тупроқ шўрланиши шароитида сув алмашинуви, шўрга чидамлилиқ ва мослашишнинг физиологик, биокимёвий хусусиятлари асосида ғўзанинг тупроқ шўрланишига ҳимоявий мослашиши ҳамда шўрга чидамлилиқни аниқлашнинг тезкор ва чидамлилиқни ошириш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тупроқ шўрланиши ва намлик даражаларининг ғўза навлари дастлабки ўсиши ва морфофизиологиясига, сув алмашинуви хусусиятлари: транспирация жадаллиги, баргларнинг сувни сақлаш даражаси, барглардаги сув шакллариининг миқдори, хужайра ширасининг қуюқлик даражаси, барглардаги кундузги ва қолдиқ сув танқислиги, баргларнинг сув потенциали, протоплазманинг қовушқоқлигига таъсирини ўрганиш;

барглардаги умумий ҳамда боғланган хлорофилл миқдори, фотосинтез ва нафас олиш жадаллиги, барглардаги альбуминлар ва боғланган сув миқдори, антиоксидант ферментлар фаоллиги, феноллар миқдори, баргларнинг диффузион қаршилиги, тургоцентлик даражасининг барқарорлик коэффициенти ҳамда бошқа кўрсаткичларни қиёсий таҳлил қилиш;

тупроқ шўрланишининг ғўза навлари маҳсулдорлигига таъсири: ғўза навларининг ўсиш динамикаси, барг сатҳининг кенгайиши, фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги, ҳосил ва унинг сифати ўрганиш асосида илмий асослаш;

ғўзанинг шўрга чидамлилигини аниқлашнинг тезкор усуллари ва чидамликни ошириш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда бу усулларнинг ҳосил ва унинг сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ҳамда амалиётига татбиқ этиш;

тупроқ шўрланиши даражаларига ҳамда бошқа экстремал омилларга нисбатан чидамли ҳамда ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навларни илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг ўрта толали Бухоро-6, Бухоро-8, Бухоро-10, Бухоро-102, С-6524 ва Окдарё-6, навларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг шўрга чидамлик даражаларининг физиологик ва биокимёвий хусусиятлари, шўрга чидамли бўлган навларни танлаш ҳамда навларнинг чидамлилигини ошириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физиологик, морфологик, биокимёвий, биометрик, статистик, қиёсий таҳлил, фенологик, плазмолитик, газометрик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тупроқ шўрланиши ва намлик даражалари таъсири натижасида боғланган хлорофиллар, антиоксидант ферментлар фаоллиги, барглардаги боғланган сув, барглардаги қолдиқ сув танқислиги, баргларнинг диффузион қаршилиги, тургоцентлик даражасининг барқарорлик коэффициенти каби физиологик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг турли даражада ўзгариши исботланган;

ғўзанинг шўрланишга нисбатан ҳимоявий мослашиш хусусиятлари аниқланиб, тупроқдаги намлик даражасига боғлиқ ҳолда навларнинг шўрланишга чидамлилигининг физиологик ва биокимёвий жиҳатлари асосланган;

тупроқ шўрланиши ва қурғоқчиликнинг ғўза навлари ҳосилдорлигига таъсири: ғўза навларининг ўсиш динамикаси, барг сатҳининг кенгайиши,

фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги, ҳосил ва унинг сифатини белгилайдиган кўрсаткичлар аниқланган;

илк бор ғўза ўсимлигининг тупроқ шўрланишига нисбатан чидамлилик даражасини аниқлашнинг тезкор (электр қаршилик ва барқарорлик коэффициентини аниқлаш) усуллари ишлаб чиқилган;

илк бор ғўзанинг тупроқ шўрланишига нисбатан чидамлилик даражасини оширишнинг (чигитларни экишдан олдин ва ўсимликларга вегетация даврида ишлов бериш) усуллари ишлаб чиқилган ва бу усулларнинг ҳосил ва унинг сифатига ижобий таъсири аниқланган;

тупроқ шўрланиши даражаларига ва бошқа экстремал омилларга нисбатан чидамли ҳамда ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятининг ва бошқа ҳудудлардаги тупроқ шўрланиши кузатиладиган пахтачилик хўжаликларида юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ғўзанинг шўрга чидамли ва серҳосил Бухоро-8 ва Бухоро-102 навларини экиш самарали эканлиги исботланган;

ғўза ўсимлигининг тупроқ шўрланишига нисбатан чидамлилик даражасини аниқлашнинг тезкор (электр қаршилик ва барқарорлик коэффициентини аниқлаш) усуллари ишлаб чиқилган;

ғўза навларининг тупроқ шўрланишига нисбатан чидамлилигини, ҳосил ва унинг сифатини оширишда уруғларга экишдан олдин ва вегетация даврида ишлов бериш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган тадқиқот усуллари, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, лаборатория ва вегетацион тажрибалардаги биокимёвий ва физиологик кўрсаткичларни аниқлаш мос услублар билан амалга оширилганлиги, тажриба маълумотларининг дисперсион статистик таҳлил қилинганлиги, илмий тадқиқот натижаларнинг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамаси, етакчи маҳаллий илмий журналларда ва хорижий журналларда чоп этилганлиги, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўза навларининг тупроқ шўрланишига ҳимоявий жавоб реакциялари ва мослашишнинг тупроқ шўрланиш даражасига боғлиқлиги асослаб берилганлиги, шўрга чидамликни тезкор аниқлаш ва уни ошириш усулининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шўрланишга чидамли Бухоро-8 ва Бухоро-102 навларини тупроғи шўрланган ва қурғоқчил, гармсел кузатиладиган ҳудудларда юқори ва сифатли ҳосил олиш имкони билан белгиланади. Тавсияларни амалиётга жорий этиш шўрланган ва қурғоқчил ҳудудларда ғўзани етиштириш агротехнологиясини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза навларининг шўрланишга мослашиш ва чидамлилигининг физиологик асосларини турли

даражадаги тупроқ шўрланиши шароитларида тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

тупроқ шўрланишига нисбатан ғўзанинг шўрга чидамлик даражасини аниқлашнинг тезкор ва шўрга чидамликни ошириш усуллари Бухоро вилояти шароитида 500 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2019 йил 8 ноябрдаги 08.01/03-3064-сон маълумотномаси). Натижада ғўза навларининг шўрланишга чидамлигининг ошиши эвазига ҳосилдорликни ошириш имконини берган;

ғўзанинг чигитини экишдан олдин ва шоналаш фазасида мис сульфат эритмаси билан ишлов бериш усулидан ФА-А8-Т015 рақамли «Интрогрессив линиялардан фойдаланиб, сув танқислиги шўрхокликка комплекс чидамли янги нав ва линияларни қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш» лойиҳасида комплекс чидамли янги нав ва линияларни қайта ишлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 13 ноябрдаги 4/1255-3020-сон маълумотномаси). Натижада шўрга чидамли ғўза линиялари ажратиб олиш ва ушбу линиялар шўрга чидамли ғўза навларини яратишда амалий селекция жараёнларида фойдаланиш имконини берган;

ғўзанинг шўрга чидамлик даражасини аниқлашнинг тезкор ва шўрга чидамликни ошириш усулларидан Бухоро вилояти ва унга ёндош ҳудудларнинг ҳар хил даражада шўрланган майдонларига мос навларни танлашда фойдаланилган (Ўзбекистон кишлок хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг 2019 йил 19 декабрдаги Т-6-4-649-сон маълумотномаси). Натижада ғўза навларининг шўрга чидамлик даражалари асосида уларни турли даражада шўрланган майдонларга жойлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 27 та, жумладан, 7 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 3 та монография ва 1 та услубий тавсия, жами 45 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсимликларнинг шўрга чидамлилик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида ўсимликларнинг шўрга чидамлилик физиологияси ҳамда ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига шўрланишнинг таъсирига оид сув алмашинувига боғлиқ ҳолда уларнинг шўрликка чидамлилиги, шўрланишнинг қишлоқ хўжалик ўсимликларига салбий таъсири каби муаммолар ечимига бағишланган маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари тизимлаштирилган ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тупроқ шўрланишининг йилдан-йилга ошиб бориши қишлоқ хўжалик ўсимликларидан юқори ва сифатли ҳосил олишга салбий таъсир кўрсатиши, қурғоқчил ва ярим қурғоқчил ҳудудларда шўрланиш асосий абиотик стрессорлардан бири бўлиб, шўрланган тупроқлар барча климатик регионларда 800 миллион гектардан ортиқ ёки ер шарининг 6 фоиздан кўпроқ майдонлари тузларнинг салбий таъсирига учраганлиги қайд этилган.

Тупроқ шўрланиши атроф-муҳитнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, унинг ўсимликлар ўсиши ва маҳсулдорлиги билан тесқари боғлиқлиги, дунё умумий қуруқлигининг 15- 23 фоизи, жумладан, қишлоқ хўжалиги учун ишлатиладиган майдонлар шўрланган тупроқлар билан қопланган бўлиб, экин майдонларининг етарли миқдорда намлик билан таъминланиш даражасининг камайиши сўнгги вақтларда тупроқнинг шўрланиш даражасининг ортишига олиб келаётганлиги ва ҳосилдорлик пасайишининг асосий сабабларидан бири эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тупроқ шўрланиш даражалари ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини, фотосинтез жадаллигини камайтирадиган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатадиган ноқулай омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун шўрга чидамли навларни яратишда ўсимликларнинг ва навларнинг шўрланишга нисбатан морфологик ва физиологик жавоб реакциялари ҳамда мослашиш даражаларини аниқлаш муҳимдир.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказиш жойи, тупроқ ва иқлим шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган жойларнинг тупроқ ва иқлим шароитлари, тадқиқот объектлари ҳамда фойдаланилган ашёлар ва услублар баён этилган.

Тажрибалар Бухоро давлат университети илмий лабораторияси ва ўқув-тажриба даласида ҳамда Олот, Қоракўл, Жондор туманлари фермер хўжаликлари далаларида ўтказилган. Тажриба даласининг тупроғи аллювиал ўтлоқи типга мансуб бўлиб, ер ости сизот сувларининг чуқурлиги 2-3 метрни ташкил этган. Тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги, ҳажмий оғирлиги ва нам сиғимидан келиб чиқиб, тупроқдаги нам етишмаслик даражаси

аниқланди ва суғориш меъёрлари белгиланган. Ишнинг матни ва жадвалларда тупроқ шўрланиши кучсиз бўлган вариантлар-Тажриба-1; шўрланиш ўртача бўлган вариантлар- Тажриба-2 ва шўрланиш кучли бўлган вариантлар- Тажриба-3 деб қабул қилинган.

Тажриба майдончалари 3 тадан бўлакка ажратилди. Тажрибалар тўртта такрорликда ўтказилган. Тажрибалар хўжаликларда қабул қилинган агротехник тадбирлар асосида амалга оширилган. Ўғитлар шудгорлашда, экиш билан бирга ва ўсимликларнинг ўсиш даврида (3 марта) берилган. Ўғитларнинг гектар ҳисобида қўлланилган умумий миқдори: азот-250, фосфор-175, калий-100 кг ни ташкил қилган. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишидаги фенологик кузатишлар, ҳисоблашлар ва тадқиқот ишлари ЎзПИТИ услубларига мос равишда амалга оширилган.

Барча физиологик кўрсаткичларни аниқлаш ва фенологик кузатишлар тажрибаларда ғўзанинг шоналаш, гуллаш ва кўсаклаш босқичларида ўтказилган. Тадқиқотлар учун асосий поянинг учки қисмидан ривожланган тўртинчи барг олинган.

Ғўза навлари шўрланишга чидамлилигининг физиологик ва биокимёвий жараёнлари ҳамда ҳимоявий мослашиш хусусиятларининг кўрсаткичлари ўсимликлар физиологияси ва биокимёсида умумқабул қилинган услублар ёрдамида аниқланган.

Ғўза навларининг тупроқ шўрланишига чидамлилигини ошириш мақсадида ўсимликларни шўрга чидамликни аниқлашнинг тезкор усулларида, ғўза барглари тургоцентлигининг барқарорлик коэффиценти, барг тўқималари электр қаршилиги ҳамда шўрга чидамликни ошириш усуллари ишлаб чиқилган. Олинган маълумотлар статистик қайта ишланиб, энг кичик фарқлар аниқланган.

Диссертациянинг «**Ғўза навлари физиологик хусусиятларига шўрланиш ва намлик даражаларининг таъсири**» деб номланган учинчи бобида Бухоро-6, Бухоро-102, Оқдарё-6 ва С-6524 ғўза навларининг ҳар хил даражадаги тупроқ шўрланиши ва намлиги шароитида физиологик ҳамда биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш бўйича олинган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Баргларнинг сувни сақлаш даражаси ўсимликларнинг сув алмашинуви, шўрлик ва қурғоқчиликка чидамлилигини характерловчи кўрсаткичлардан бири бўлиб, физиологик жараёнлар ва ўсимликларнинг маҳсулдорлигига таъсир қилган.

Олинган маълумотларга қараганда, ўсимликларнинг шўрга мослашиши билан баргларнинг сувни сақлаш хусусияти ошганлиги қайд этилган. Бундай ўсимликларда боғланган сув миқдори ошиб енгил эрувчи тузлар миқдори камайган. Ғўза баргларининг сувни сақлаш хусусияти тупроқнинг шўрланиш даражаси билан тўғри пропорционал равишда боғлиқлиги ҳам аниқланган.

Шўрланиш билан қурғоқчиликнинг биргаликдаги таъсири натижасида ғўза навларида сув алмашинув жараёнида кескин ўзгаришлар юзага келади. Бундай ноқулай омилларга мослашиш механизми (сувни сақлаш хусусиятининг юқорилиги) кучли бўлган навларда метаболитик жараёнлар

фаоллашади ва ўзларининг гомеостазини тезда ўзгартириш хусусиятига эга бўлган. Ўсимликларда кузатиладиган бундай хусусиятлар ташқи муҳит омилларининг таъсир кучига ҳамда навларнинг биологик ва индивидуал хоссаларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туриши қайд этилган.

Вза барглари хужайра ширасининг қуюқлик даражаси тупроқдаги тузлар концентрацияси ҳамда намлик даражаси ва шунингдек, навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлган. Тупроқ намлик даражасининг камайиши ушбу кўрсаткичнинг ошишига олиб келган. Шўрланишнинг ва қурғоқчиликнинг биргаликдаги таъсири натижасида ушбу кўрсаткич қийматининг кескин ошиши кузатилган. Хужайра ширасининг қуюқлик даражаси бўйича юқори натижалар ғўзанинг Бухоро-102 навида аниқланган.

1-жадвал

Хужайра протоплазмасининг қовушқоқлиги, минут

Навлар	Вариантлар	Шона-лаш	Гуллаш	Кўсак-лаш	Шона-лаш	Гуллаш	Кўсак-лаш
		70 % намлик			30 % намлик		
Бухоро-6	Назорат	27±0,8	43±0,1	60±0,3	36±0,3	62±0,4	87±0,4
	Тажриба-1	28±0,3	45±0,3	61±0,4	37±0,6	63±0,6	88±0,5
	Тажриба-2	30±0,1	47±0,6	63±0,4	38±0,2	64±0,5	89±0,7
	Тажриба-3	33±0,2	48±0,3	64±0,2	39±0,3	65±0,7	90±0,6
Оқдарё-6	Назорат	23±0,7	37±0,4	54±0,9	31±0,5	55±0,4	78±0,4
	Тажриба-1	24 ±0,3	38±0,7	55±0,1	32±0,2	56±0,8	79±0,3
	Тажриба-2	25±0,4	39±0,4	57±0,2	33±0,6	57±0,3	80±0,7
	Тажриба-3	26±0,6	40±0,5	58±0,3	34±0,4	58±0,6	81±0,4
Бухоро-102	Назорат	26±0,2	41±0,4	58±0,5	34±0,5	60±0,1	84±0,5
	Тажриба-1	27±0,9	42±0,3	59±0,4	35±0,4	62±0,5	85±0,7
	Тажриба-2	28±0,4	43±0,8	60±0,3	36±0,1	63±0,2	86±0,6
	Тажриба-3	29±0,5	45±0,5	61±0,2	37±0,7	64±0,5	87±0,4
С-6524	Назорат	25±0,6	39±0,4	56±0,8	32±0,3	57±0,3	81±0,6
	Тажриба-1	26±0,3	40±0,6	57±0,4	33±0,6	58±0,8	82±0,1
	Тажриба-2	27±0,4	41±0,2	58±0,7	34±0,2	59±0,4	83±0,5
	Тажриба-3	28±0,3	43±0,5	59±0,1	35±0,4	60±0,5	84±0,3

Протоплазманинг қовушқоқлик даражаси ғўза навларининг шоналаш, гуллаш ва кўсаклаш босқичларида икки хил намлик шароитида ўрганилган. Ушбу кўрсаткичнинг қиймати барча нав ҳамда вариантларда шоналашдан кўсаклаш босқичигача ошиши аниқланган (1- жадвал).

Протоплазма қовушқоқлигининг ташқи муҳит ноқулай омиллари таъсирида ошиши ўсимликларда кўпинча мослашиш хоссалари бўлиб, ўсимликларнинг шўрликка ва қурғоқчиликка чидамлилигини оширишда маълум аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Тупроқ қурғоқчилиги ва шўрланишнинг биргаликдаги таъсирида протоплазма қовушқоқлик даражаси мўътадил намликдаги ўсимликларга қараганда кескин ошганлиги кузатилган. Протоплазма қовушқоқлик даражасининг юқори бўлиши уларнинг шўрга чидамлилигини белгилашда асосий мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин, яъни шўрга чидамли бўлган ўсимликларда протоплазманинг қовушқоқлиги ҳам юқори бўлган. Бу ўз навбатида боғланган сув миқдори ва сувни сақлаш хусусиятининг ҳам ошишига сабаб бўлган.

Олинган маълумотлар натижаларига қараганда, протоплазманинг қовушқоқлиги бўйича навлар ўртасида фарқлар аниқланган. Кузатилган фарқлар навларнинг биологик ва нав хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Натижаларга қараганда, протоплазманинг қовушқоқлиги бўйича Окдарё-6 нави охириги ўринни эгаллаган.

Диссертациянинг «**Вўза навларининг шўрга мослашиш ва чидамлик кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида ҳар хил даражадаги тупроқ шўрланиши таъсирида Бухоро-8 ва С-6524 навларида ҳимоя ва мослашишнинг физиологик ҳамда биокимёвий хусусиятларини аниқлаш масалалари тадқиқ этилган.

Олинган маълумотларга қараганда, барглардаги хлорофилл миқдори тупроқнинг шўрланиш даражалари ва навларнинг ўсиш ҳамда ривожланиш босқичларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлган.

Тупроқ шўрланиш даражаларининг ошиши билан иккала навда ҳам хлорофилл миқдорининг камайиши қайд этилган. Бундай камайиш ғўзанинг С-6524 навида кучлироқ борган. Бухоро - 8 навининг гуллаш босқичида назорат вариантыда хлорофилл миқдори 3,20 мг/г ни ташкил қилган. Тажриба-1 вариантыда хлорофилл миқдори назоратга нисбатан 95,6 фоизни ташкил этди, Тажриба – 2 вариантыда 91,2 фоиз ва Тажриба-3 вариантыда назоратга нисбатан 84,0 фоизни ташкил этган. Вўзанинг С-6524 навининг Тажриба-1 вариантыда хлорофиллнинг миқдори назоратга нисбатан 85,9 фоизни, Тажриба-2 вариантыда 77,5 фоизни ва Тажриба-3 вариантыда 68,7 фоизни ташкил этган.

Фотосинтез жадаллиги бўйича олинган маълумотларга қараганда, ушбу кўрсаткич қиймати тупроқ шўрланиш даражаларига, ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш босқичларига боғлиқ ҳолда келтирилган рақамли маълумотларнинг ҳар хил бўлиши аниқланган. Барча назорат вариантыда фотосинтез жадал бориб, тупроқнинг кучсиз, ўрта ва кучли шўрланган шароитларида иккала навда ҳам мазкур кўрсаткич қийматининг пасайиши аниқланган. Иккала навнинг барча вариантларида фотосинтез жадаллиги шоналаш босқичида паст бўлиб, гуллаш босқичида унинг жадаллиги анча юқори бўлган ва кўсаклаш босқичига ўтиб унинг жадаллиги нисбатан пасайган (2-жадвал). Бухоро – 8 навининг гуллаш босқичида фотосинтез жадаллиги 2,26 г/м² соат бўлган. Шунингдек, ушбу навнинг Тажриба-1 вариантыда назоратга нисбатан фотосинтез жадаллиги 94,2 фоиз бўлган. Тажриба-2 вариантыда ушбу кўрсаткич қиймати 84,9 фоиз ва Тажриба -3 вариантыда 74,7 фоизни ташкил этган.

Фотосинтез жадаллиги, г/м²·соат

Вариантлар	Шоналаш		Гуллаш		Кўсаклаш	
	г/м ² соат	н/н,%	г/м ² соат	н/н,%	г/м ² соат	н/н,%
Бухоро-8						
Назорат	1,45±0,02	100	2,26±0,05	100	1,55±0,03	100
Тажриба-1	1,34±0,03	92,4	2,13±0,04	94,2	1,36±0,02	87,7
Тажриба-2	1,22±0,01	84,1	1,92±0,03	84,9	1,25±0,04	80,6
Тажриба-3	1,13±0,04	77,9	1,69±0,02	74,7	1,16±0,05	74,8
С-6524						
Тажриба-1	1,18±0,01	81,3	1,92±0,03	84,9	1,12±0,03	72,2
Тажриба-2	1,04±0,02	71,7	1,71±0,02	75,6	1,02±0,02	65,8
Тажриба-3	0,91±0,01	62,7	1,38±0,03	61,0	0,81±0,01	52,2

Изоҳ: Н/Н,% – назоратга нисбатан фоиз


Ўзанинг С-6524 нави гуллаш босқичида Тажриба-1 вариантида фотосинтез жадаллиги назоратга нисбатан 84,9 фоиз бўлган. Тажриба-2 вариантида фотосинтез жадаллиги назоратга нисбатан 75,6 ва мазкур навнинг Тажриба-3 вариантида ушбу кўрсаткич жадаллиги 61,0 фоизгача пасайиши қайд этилган.

Изланишлар давомида ўзанинг шўрланишга мослашиш хусусиятларини тавсифлайдиган кўрсаткичлар билан бир қаторда баргларда борадиган нафас олиш жадаллиги ҳам ўрганилган (1-расм).

Кўсаклаш босқичида ҳам иккала нав кесимида худди шундай ўзаро боғлиқликлар кузатилган. Яъни, шўрланиш даражаларининг ошиши билан нафас олиш жадаллигининг ҳам ошиб бориши аниқланган. Нафас олиш ўзанинг гуллаш босқичида энг юқори бўлиб, кўсаклашда унинг жадаллиги нисбатан паст бўлиши қайд этилган.

Нафас олиш жадаллиги иккала навда ҳам шоналаш босқичида паст, гуллаш босқичида энг юқори даражага етади, кўсаклашга ўтиши билан ушбу кўрсаткич жадаллиги қисман пасайиб бориши аниқланган.

Иккала навда ҳам гуллаш босқичида нафас олиш жадаллигининг қиймати назоратга нисбатан ошиб бориши аниқланган. Бухоро-8 ўза навининг Тажриба -1 вариантида назоратга нисбатан нафас олиш жадаллиги 107,4 фоизга, Тажриба -2 вариантида 15,5 фоизга ва тажриба -3 вариантида 33,1 фоизга юқори бўлганлиги қайд этилган.



1-расм. Нафас олиш жадаллиги, %

С-6424 ғўза навида Тажриба-1 вариантыда ушбу кўрсаткич назоратга нисбатан 14,8 фоиз, Тажриба-2 вариантыда 33,7 ва Тажриба-3 вариантыда 53,3 фоизга юқори бўлиши аниқланган. Тажрибалар давомида энг юқори нафас олиш жадаллиги ғўзанинг С-6524 навининг гуллаш босқичидаги Тажриба -3 вариантыда кузатилган.

3-жадвал

Каталаза ферменти фаоллиги, мл O₂/г.мин

Вариантлар	Шоналаш		Гуллаш		Кўсаклаш	
	мл O ₂ /г.мин	н/н, %	мл O ₂ /г.мин	н/н, %	мл O ₂ /г.мин	н/н, %
Бухоро-8						
Назорат	37,8±1,2	100	39,9±1,2	100	33,2±1,0	100
Тажриба-1	45,6±1,7	120,6	48,0±1,5	120,3	42,0±1,7	126,5
Тажриба-2	57,2±1,3	151,3	61,8±1,9	154,8	53,8±1,8	162,0
Тажриба-3	65,4±1,8	173,0	68,5±1,7	171,6	61,1±1,6	184,0
C-6524						
Тажриба-1	40,3±1,4	106,6	42,2±2,0	105,7	37,1±1,2	111,7
Тажриба-2	52,0±1,6	137,5	54,4±1,7	136,3	48,7±1,3	146,6
Тажриба-3	60,2±1,9	159,2	63,7±1,6	159,6	56,0±1,9	168,6

Изох: н/н, % – назоратга нисбатан фоиз

Олинган маълумотларга қараганда, каталаза ферменти фаоллиги навларнинг барча назорат ва тажриба вариантларида шоналаш босқичида паст, гуллаш босқичида эса фаоллиги юқори бўлиб, кўсаклаш босқичига ўтиши билан унинг фаоллиги шоналашга нисбатан паст қийматга эга бўлган (3-жадвал).

Каталазанинг фаоллиги иккала навда ҳам гуллаш босқичида энг юқори бўлганлиги кузатилган. Бухоро-8 навининг гуллаш босқичида каталаза ферменти фаоллиги қиймати Тажриба -1 вариантыда назоратга нисбатан 20,3 фоизга юқори бўлган. Тажриба-2 вариантыда бу кўрсаткич назоратга нисбатан 54,8 фоизга ошганлиги кузатилган. Шунингдек, Тажриба-3 вариантыда бу кўрсаткичнинг қиймати назоратга нисбатан 71,6 фоизга юқори бўлиши аниқланган. С-6524 навининг гуллаш босқичида Тажриба-1 вариантыда фермент фаоллиги назоратга нисбатан 5,7 фоизга ошган. Тажриба-2 вариантыда назоратга нисбатан 36,3 фоиз ва тажриба-3 вариантыда 59,6 фоизга юқори бўлган.


Пероксидаза ўсимликларнинг ўсиши, ривожланишини назорат қилувчи асосий ферментлардан биридир. Бу фермент хужайра деворларининг шаклланишида, ўсимликлар нафас олишида ва турли хил жараёнлардан тўқималарни ҳимоя қилишда иштирок этади. Пероксидаза нафақат ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини, балки ташқи таъсирга қарши антиоксидант - стресс таъсирини ҳам аниқлайди.

Бухоро-8 ғўза навининг Тажриба-1 вариантыда назоратга нисбатан пероксидаза ферменти фаоллиги 9,4 фоиз бўлган. Тажриба-2 вариантыда мос равишда -16,5 ва Тажриба -3 вариантыда 23,1 фоизга юқори бўлган. Умуман олганда, пероксидаза фаоллиги С-6524 навида Бухоро-8 навида нисбатан барча вариантларда пастлиги қайд этилган. С-6524 ғўза навининг гуллаш босқичида Тажриба-1 вариантыда фермент фаоллиги назоратга нисбатан 1,3 фоизга юқори бўлган. Тажриба-2 вариантыда мос равишда- 10,4 фоиз ҳамда Тажриба-3 вариантыда фермент фаоллиги 16,5 фоизга юқори бўлиши тажрибалар давомида аниқланган.

Келтирилган рақамли маълумотларга қараганда, сувда эрувчи оқсиллар, яъни, альбуминлар миқдори навларнинг ўсиш ва ривожланиш босқичлари ҳамда тупроқ шўрланиш даражаларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши кузатилди. Буларнинг миқдори иккала ғўза навида ҳам шоналашдан кўсаклашгача ошиб бориши қайд этилган (2-расм).

Бухоро-8 ғўза нави гуллаш босқичининг тажриба-1 вариантыда альбуминлар миқдори назоратга нисбатан 250 фоизга юқори бўлган. Тажриба-2 вариантыда унинг миқдори мос равишда назоратга нисбатан 450 фоизга ҳамда тажриба-3 вариантыда назоратга нисбатан 533,3 фоизга юқори бўлиши қайд этилган.

С-6524 ғўза навининг гуллаш босқичи Тажриба-1 вариантыда альбуминлар миқдори 166,6 фоизга ошиши кузатилган. Тажриба-2 вариантыда эса мос равишда 316,6 фоизга ва Тажриба-3 вариантыда 433,3 фоизга ошиши қайд этилди.



2-расм. Барглардаги альбуминлар миқдори,%

Барглардаги боғланган хлорофилл миқдори ғўза навларининг шоналаш, гуллаш ва кўсаклаш босқичларида аниқланган. Келтирилган маълумотларга қараганда, боғланган хлорофилл миқдори ғўза навларининг ўсиш ва ривожланиш босқичларида ҳамда тупроқ шўрланиш даражаларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши кузатилган (4-жадвал).

4-жадвал

Боғланган хлорофиллар миқдори,%

Вариантлар	Шоналаш		Гуллаш		Кўсаклаш	
	%	н/н,%	%	н/н,%	%	н/н,%
Buxoro-8						
Назорат	34,8±0,2	100	37,2±0,4	100	36,6±0,5	100
Тажриба-1	36,2±0,3	104,0	38,5±0,3	103,4	37,8±0,3	103,2
Тажриба-2	37,5±0,5	107,7	39,7±0,2	106,7	38,9±0,3	106,2
Тажриба-3	40,4±0,4	116,0	42,9±0,4	115,3	41,7±0,8	124,1
C-6524						
Тажриба-1	34,6±0,2	99,4	35,2±0,3	94,6	35,8±0,5	97,8
Тажриба-2	35,3±0,2	101,4	37,6±0,4	101,0	37,8±0,4	103,2
Тажриба-3	38,7±0,6	111,2	39,5±0,6	106,1	39,7±0,6	108,4

Изоҳ: Н/Н,% – назоратга нисбатан фоиз

Назорат вариантларида ушбу кўрсаткич қиймати энг паст бўлди. Бухоро-8 ғўза навининг шоналаш босқичи Тажриба-1 вариантыда назоратга нисбатан боғланган хлорофилл миқдори 4 фоизга юқори бўлиши қайд этилган. Тажриба-2 вариантыда 7,7 фоизга ва Тажриба -3 вариантыда 16,0 фоизга юқори бўлиши кузатилган. Гуллаш босқичида эса Тажриба-1 вариантыда мос равишда –3,4; 6,7; 15,3 фоизга ошган. Кўсаклаш босқичида боғланган хлорофилл миқдори Тажриба-1 вариантыда 3,2 фоизга, мос равишда –6,2 ва 24,1 фоизга юқори бўлиши аниқланган.

С-6524 ғўза навининг барча вариантларида боғланган хлорофилл миқдори Бухоро-8 навига нисбатан барча ўсиш ва ривожланиш босқичларида кам бўлиши қайд этилган. Ушбу навнинг шоналаш босқичи Тажриба-1 вариантыда боғланган хлорофилл миқдори назоратга нисбатан 0,6 фоизга кам бўлган. Тажриба-2 вариантыда 1,4 ва Тажриба-3 вариантыда 11,1 фоизга юқори бўлиши қайд этилган.

Диффузион қаршилик қиймати бўйича навлар кесимида, ўсиш ва ривожланиш босқичлари ҳамда тупроқ шўрланиш даражалари доирасидаги ўзгаришлар навларнинг ноқулай абиотик омиллар, яъни, тупроқ шўрланиш даражасига бўлган муносабати билан белгиланиши аниқланган (5-жадвал).

5-жадвал

Ғўза баргларининг диффузион қаршилиги

Вариантлар	Шоналаш		Гуллаш		Кўсаклаш	
	ДҚ	Н/Н,%	ДҚ	Н/Н, %	ДҚ	Н/Н,%
Бухоро-8						
Назорат	5,0±0,2	100	7,1±0,4	100	9,2±0,2	100
Тажриба-1	5,6±0,4	112,0	8,2±0,6	115,5	10,4±0,5	113,0
Тажриба-2	6,4±0,3	128,0	9,4±0,4	132,4	11,7±0,6	127,1
Тажриба-3	7,3±0,5	140,3	10,3±0,7	145,0	12,2±0,7	132,6
С-6524						
Тажриба-1	6,1±0,2	122,0	8,9±0,3	125,3	11,7±0,2	127,1
Тажриба-2	7,8±0,4	156,0	10,7±0,6	150,8	12,9±0,5	140,0
Тажриба-3	8,7±0,7	174,4	12,3±0,4	173,2	14,5±0,6	157,6

Изоҳ: ДҚ – диффузион қаршилик, секунд

Изоҳ: Н/Н,% – назоратга нисбатан фоиз

Олинган маълумотларга қараганда, баргларнинг диффузион қаршилиги ғўза навларининг ўсиш ва ривожланиш босқичлари ҳамда тупроқ шўрланиш даражаларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши аниқланган. Диффузион қаршилик қиймати барча тажриба вариантларига қараганда, назорат вариантыда энг паст бўлган. Шўрланиш даражасининг ошиши билан иккала навда ҳам шоналашдан кўсаклашгача диффузион қаршилик қиймати ошиб борган. Иккала нав доирасида ҳам максимал қиймат- кўсаклаш босқичларида

қайд этилган. Баргларда энг юқори даражадаги диффузион қаршилиқ С-6524 навининг кўсаклаш босқичининг Тажриба -3 вариантыда аниқланган.

Ўсимликлар ўсаётган тупроқ шароитлари мўътадил бўлса, баргларнинг диффузион қаршилиги кам бўлиб, транспирация жадаллиги фаоллашган. Бу эса фотосинтез жадаллигининг ва умумий фотосинтетик маҳсулдорликнинг ошишига сабаб бўлган. Тупроқ шўрланиши шароитида ушбу кўрсаткич қийматининг паст бўлиши мослашишнинг физиологик белгиларидан бири бўлиб, ғўзанинг сув балансини бошқаришда, уларни озик моддалар билан таъминлашини кучайтирган.

Тажрибалар давомида олинган маълумотларга қараганда, ғўза навлари баргларидаги қолдиқ сув танқислигининг миқдори навларнинг ўсиш ва ривожланиш босқичларига ҳамда уларнинг биологик ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши аниқланган. Олинган маълумотларга қараганда, қолдиқ сув танқислиги қиймати назорат вариантыда энг паст бўлиши кузатилган.

Умуман олганда, барглардаги қолдиқ сув танқислиги ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига ҳамда физиологик жараёнларга таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланиб, унинг миқдори тупроқ шўрланиши даражаларига боғлиқ ҳолда ошиши тажрибалар асосида илмий асосланган. Бу кўрсаткичнинг миқдори Бухоро-8 навида С-6524 навига қараганда кам бўлиши кузатилган. Қолдиқ сув танқислиги қийматининг ошиши метаболитик жараёнларнинг секинлашиши ва айни пайтда ғўзанинг сув мувозанатига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Диссертациянинг «**Ғўза навлари маҳсулдорлигига шўрланишнинг таъсири**» деб номланган бешинчи бобида ғўза навларининг ўсиш динамикаси, ғўза навлари барг сатҳининг кенгайиши, фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги, ҳосил ва унинг сифати каби кўрсаткичлари бўйича тадқиқот маълумотлари келтирилган.

Ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари, айниқса шўрланиш ўсимликлар танасида кечадиган физиологик жараёнлардан ташқари уларнинг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги ҳамда ҳосил ва унинг сифатига ҳам салбий таъсири кузатилган. Натижада биологик, айниқса хўжалиқ ҳосил салмоғи кескин пасайиши қайд этилган.

Ўсимликлар ҳаётида ўсиш ва ривожланиш жараёни ҳамда ҳосилдорликни таъминлашда фотосинтез соф маҳсулдорлигининг аҳамияти беқиёс. Тажрибалар давомида фотосинтез соф маҳсулдорлигига тупроқ шўрланиш даражаларининг таъсири ғўза навларининг шоналаш, гуллаш ва кўсаклаш босқичларида ҳисобга олинди (6-жадвал).

Назорат вариантларида барча ғўза навлари фотосинтезининг соф маҳсулдорлиги тажриба вариантларига қараганда юқори бўлиши кузатилган. Навлар кесимида фарқлар ҳам мавжуд. Бухоро-8 ва Бухоро-102 навларида ушбу кўрсаткич қиймати ғўзанинг барча ривожланиш босқичларида юқори бўлганлиги қайд этилган. Паст натижалар ғўзанинг С-6524 ва Оқдарё-6 навларида кузатилган.

Фотосинтез соф маҳсулдорлиги, г.м²/сутка

Т/р	Навлар	Шоналаш	Гуллаш	Кўсаклаш
Назорат				
1	Бухоро-6	6,7±0,03	9,2±0,02	10,4±0,04
2	Бухоро-8	7,5±0,06	9,5±0,05	11,6±0,07
3	Бухоро-10	7,3±0,05	9,2±0,06	11,4±0,05
4	Бухоро-102	7,5±0,04	9,3±0,03	11,7±0,09
5	С-6524	6,5±0,03	8,2±0,07	9,5±0,06
6	Оқдарё-6	6,3±0,02	8,0±0,03	9,2±0,02
	ЭКФ ₀₅	1,30	1,46	1,10
Ўртача шўрланган				
1	Бухоро-6	6,2±0,03	7,1±0,07	8,5±0,08
2	Бухоро-8	6,6±0,04	7,8±0,05	8,9±0,06
3	Бухоро-10	7,0±0,03	8,0±0,04	9,2±0,05
4	Бухоро-102	6,5±0,05	7,9±0,06	9,0±0,07
5	С-6524	6,0±0,05	7,0±0,05	8,1±0,04
6	Оқдарё-6	5,8±0,02	6,4±0,01	7,9±0,04
	ЭКФ ₀₅	1,11	1,34	1,60
Кучли шўрланган				
1	Бухоро-6	5,7±0,04	6,7±0,07	7,4±0,06
2	Бухоро-8	6,1±0,05	7,3±0,06	7,8±0,08
3	Бухоро-10	6,6±0,06	7,0±0,05	7,5±0,06
4	Бухоро-102	6,1±0,04	7,4±0,03	8,6±0,07
5	С-6524	5,5±0,05	6,5±0,04	7,6±0,06
6	Оқдарё-6	5,3±0,03	6,0±0,02	7,1±0,09
	ЭКФ ₀₅	1,21	1,07	1,65

Тупроқ шўрланиш даражаларининг ошиши билан барча ўрганилган навларда фотосинтез соф маҳсулдорлиги камайиб борган. Ўртача шўрланган вариантларда барча навларнинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги назорат вариантыга нисбатан бирмунча камайган. Бу вариантда ҳам навлар кесимида мазкур кўрсаткич қиймати бўйича фарқлар қайд этилган. Юқори натижалар навлар кесимида Бухоро-8, Бухоро-10 ва Бухоро - 102 навларида кузатилган.

Ўртача навларининг ҳосилдорлиги тупроқдаги шўрланиш даражасига боғлиқлиги аниқланган. Айниқса, тупроқ шўрланиши таъсири натижасида барча тажриба вариантларида ҳосил салмоғининг камайиши қайд этилган. Ўрганилган ўртача навларининг ҳосилдорлик даражаси назорат вариантларида бошқа тажриба вариантларига қараганда энг юқори бўлган.

Тупроқ шўрланиши кучли бўлган вариантларда ҳосил миқдорининг кескин камайиши қайд этилган. Барча тажриба вариантларида назоратга нисбатан ҳосил салмоғининг камайиши кузатилган. Бундай камайиш кучли

даражада шўрланган вариантларда юқори бўлган. Ғўза навларининг ҳосилдорлиги бўйича энг паст натижалар кучли шўрланган вариантларда қайд этилган.

Назорат вариантыда Бухоро-6 ғўза нави ҳосилдорлиги –37,36; Бухоро-8 навида–40,06; Бухоро-10 навида–37,76; Бухоро-102 навида–40,03; С-6524 навида– 36,30 ва Оқдарё -6 навида –35,53 центнерни ташкил қилган.

Ўртача шўрланган вариантда ўрганилган барча ғўза навлари ҳосилдорлиги даражаси назорат вариантыга қараганда камайиши кузатилган. Жумладан, ҳосил салмоғи Бухоро-6 навида–34,73; Бухоро-8 навида–38,03; Бухоро-10 навида–35,70; Бухоро-102 навида– 37,93; С-6524 навида–33,26 ва Оқдарё -6 навида –32,6 центнерни ташкил этган.

Тажрибаларда ғўза навлари ҳосил салмоғи билан биргаликда ҳосилнинг сифат кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилинган. Бунда ҳар хил даражада шўрланган вариантларда толанинг миқдори, толанинг узунлиги ҳамда 1000 та чигитнинг вазни аниқланган.

Келтирилган маълумотларга қараганда, тупроқ шўрланиши ҳосилнинг сифат кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир қилганлиги кузатилган. Барча тажриба вариантларида тупроқ шўрланиши ушбу кўрсаткичлар қийматига салбий таъсир қилиши натижасида ҳосил сифатининг пасайиши қайд этилган. Назорат вариантларида сифат кўрсаткичларининг қиймати тажриба вариантларига қараганда энг юқори бўлиши кузатилган.

Назорат вариантыда юқоридаги учта кўрсаткич бўйича юқори натижалар ғўзанинг Бухоро-8 ва Бухоро-102 навларида қайд этилган. Тупроқ шўрланиши ўртача бўлган вариантларда тола миқдори, тола узунлиги ва 1000 та чигитнинг вазни назоратга нисбатан камайиши қайд этилган. Бундай шароитда, айниқса, ғўзанинг С-6524 ва Оқдарё-6 навларида сифат кўрсаткичлари бошқа навларга нисбатан пасайганлиги кузатилган.

